

ШАФТОЛИНИ УН-ШУДИРИНГДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Бойжигитов Фозил Муҳаммадиевич

қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти
Тошкент, Ўзбекистон, fboyjigitov80@mail.ru

Азамов Акбархон Ахматхонович

Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот марказининг
Андижон минтақавий филиали кичик илмий ходим
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институти катта ўқитувчиси
Андижон, Ўзбекистон, akbar19882605@umail.uz

Баходиров Улуғбек Зокиржон ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти ассистенти

Хамидов Садридин

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти талабаси

PROTECTION OF PEACH FROM FLOUR

Boyzhigitov Fozil Muhammadievich

Ph.D., senior researcher,
Plant Protection Research Institute
Tashkent, Uzbekistan, fboyjigitov80@mail.ru

Azamov Akbarkhon Akhmathonovich

Plant Quarantine Research Center
Andijan regional branch junior researcher
Andijan agriculture and agro-technologies
Senior Lecturer of the Institute
Andijan, Uzbekistan, akbar19882605@umail.uz

Bahodirov Ulugbek Zokirjon oglu

Andijan agriculture and
Assistant of the Institute of Agrotechnology

Khamidov Sadridin

Andijan agriculture and
student of the Institute of Agrotechnology

Бозор иқтисодиёти даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўтган 2020 йилнинг 1 август ҳолатига қиймати 36,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 47,7 минг тонна шафтоли меваси хорижга экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 минг тоннага кўп.

Экспорт қилинган жами шафтолининг 34,9 фоизи яъни, 16,7 минг тоннаси Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келган. Бу борада Наманган 8,2 минг тонна, Тошкент 7,5 минг тонна ва Хоразм вилояти 5,5 минг тонна маҳсулот экспорти билан кейинги ўринларни эгаллаган.

Маълумот ўрнида, Россия Федерациясига 22,1 минг тонна ва Қозоғистонга 20,6 минг тонна шафтоли меваси экспорт қилинган.

Республикада шафтоли боғлари майдонлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида шафтоли дарахтларида учрайдиган барг бужмайиши, клястероспориоз, монилиоиз, ун-шудринг ва бошқа касалликлар кенг тарқалиши, ҳосилдорликка катта зарар етказиши ҳамда мева етиштиришда бир қанча муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шафтоли боғларида бу касалликлар кўпайишининг асосий сабаби об-ҳаво шароити ўзгариши, ўз вақтида агротехник ва кимёвий кураш чоралари тўғри қўлланилмаганлигидир.

Ун-шудринг касаллиги билан кўпроқ ёки камроқ даражада барча данакли мева дарахтлар зарарланади. Энг кучли зарарланадиганлари қаторига шафтоли, бодом, олхўри, гилос ва ўрикда ҳам учрайди.

Ун-шудринг касалиги ёғингарчиликдан сўнг қуруқ ва жазирама кунлар келса, касаллик кучли намоён бўлади. Касаллик асосан барг, мева ва қисман новдаларни ҳам зарарлайди. Уларда дастлаб оқ кигизсимон ғубор пайдо бўлади, кейинчалик қора нуқталар – клейстотецийлар ҳосил бўлади ва натижада ғубор тўқ кулранг бўлиб кўринади. Клейстотецийлар камдан-кам холларда юзага келади, шунинг учун улардаги ғубор доимо оч тусли[2,3].

Ун-шудринг кўзғатувчиси – *Sphaerotheca pannosa* Lev. f. *persicae* Woronich., бошқа данакли мева экинларида эса – *Podosphaera tridactyla* d Бу халтачли замбуруғи. Иккала тур ҳам *Erysiphales* тартибига мансубдир ва улар ўзаро клейстотецийлари билан фарқланади: биринчисида улар оддий ўсимталарга эга, иккинчисида эса – дихотомик шохланган. Хар бир клейстотецийда 8 та халтаспорали битта халта ривожланади. *Sph. pannosa* f. *persicae* да клейстотеций шарсимон, етилганда жигарранг тусга киради, диаметри 70-125 мкм. Халталари кенг тухумсимон, ўлчами 70-125x55-80 мкм, халтаспоралари бир ху-жайрали, эллипссимон, ўлчами 22-25x14-15,6 мкм [1].

Sph. pannosa f. *persicae* зарарланган ёш новдаларда мицелий кўринишида қишлайди, бахорда улар бирламчи инфекция манбаи бўлган янги конидиал споралар ҳосил қилади. Инфекциянинг сақланишида халтали давр иккиламчи рол ўйнайди, чунки кузда ва қишда клейстотецийлар турли сапрофитлар таъсирида емирилиб кетади [1,2].

Ун-шудринг асосан ёш кўчатларга катта зарар келтиради, чунки касаллик таъсирида улар ўсишдан тўхтабди. Касаллик катта ёшли дарахтларга камроқ зарар келтиради, шундай бўлсада, зарарланган новдалар қишни ёмон ўтказади, ҳосилдорлик эса 5-7% гача пасаяди [1,2,3,8].

Данакли мева дарахтларининг ун шудринг касаллиги Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Америка ҳамда Океанияда қайд этилган [3]. Ўзбекистонда касаллик барча вилоятларда учрайди [1,8].

2018 йилларда назорат вариантда ун шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 25,0%, меваси 28,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши 12,2% дан 13,1% гачани ташкил этди.

Трискабол 76% с.д.г ни 3,0 кг/га қўллаганимизда ун шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 4,5%, меваси 3,3,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 1,1 % ,мевада 1,5 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 85,7 %ни мевасда 82,3%ни ташкил этди.

Хорус с.д.г. (750 г/кг) препаратини икки нисбатда қўланилди гектарига 0,3 кг/га ва 0,4 кг/га қўланилди. Биринчи вариантда гектарига 0,3 кг/га қўланилганда ун-шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 8,5%, меваси 7,3,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 3,3 % мевада 3,5 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 80,7 %ни мевасда 81,3%ни ташкил этди. Иккинчи вариантда 0,4 кг/га қўлланилганда ун-шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 4,3%, меваси 3,1,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 1,2 %, мевада 1,3 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 86,7 %ни мевасда 83,3%ни ташкил этди.

Скорт 25% эм.к. препаратини икки нисбатда қўланилди гектарига 0,15 л/га ва 0,2 л/га қўланилди. Биринчи вариантда гектарига 0,15 л/га қўланилганда ун-шудринг касаллиги

билан шафтолининг барги 8,3%, меваси 7,4,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 3,0 % мевада 3,2 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 86,2 %ни мевасда 84,3%ни ташкил этди. Иккинчи вариантда 0,2 л/га қўлланилганда ун-шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 4,1%, меваси 3,2,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 1,0 %, мевада 1,1 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 90,7 %ни мевасда 89,4%ни ташкил этди.

Сапроль 20% эм.к препаратини ҳам икки нисбатда қўланилди гектарига 1 л/га ва 1,5 л/га қўланилди. Биринчи вариантда гектарига 1 л/га қўланилганда ун-шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 8,4%, меваси 7,5,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 3,2 % мевада 3,4 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 80,6 %ни мевасда 82,2%ни ташкил этди. Иккинчи вариантда 1,5 л/га қўлланилганда ун-шудринг касаллиги билан шафтолининг барги 4,2%, меваси 3,2,% гача зарарланган бўлса, касалликнинг ривожланиши баргда 1,3 %, мевада 1,2 % ни Биологик самарадорлик болса баргда 85,2 %ни мевасда 86,8%ни ташкил қилди.

Мазкур препаратларни ичида Скорт 25% эм.к 0,2 л/га қўлланилган вариант қолган вариантларни ичида энг самарали самарали вариант болиб юқоли натижаларга эришилди. Кийинги ўринларда Сапроль 20% эм.к ва Хорус с.д.г. фунгицидлари билан белгиланган сарф-меъёрда вегетация давомида 3 мартаба; дарахтлар куртак ёйганда, дарахтлар гуллаб бўлгач ва 2-ишловдан 14 кундан сўнг 1000 л/га ишчи эритма ҳисобида кимёвий ишлов берилса, шафтоли дарахтидан олинадиган ҳосил касалликлардан сақлаб қолинади ва меваларнинг сифати бузулмайди..

Шафтолининг ун шудринг касалигига қарши қўлланилган фунгицидларни биологик самарадорлиги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани, «GOLD FRESH FRUIT» МЧЖ (нектарин нави) 2018-й

Нав	Қўлаш меъёри кг/га ёки л/га	Зарарланган аъзолари				1 туп дарахтдан олинган ҳосилдорлик, кг
			зарарланиши, %	касалик ривож, %	Биологик самарадорлик %	
Назорат кимёвий ишлов ўтказилмаган	-	Барг	25,0	12,2	-	5,2
		Мева	28,0	13,1	-	
Трискабол 76% с.д.г (760г/кг) (зирама)	3,0	Барг	4,5	1,1	85,7	8,7
		Мева	3,3	1,5	82,3	
Хорус с.д.г. (750 г/кг) (ципродинил)	0,3	Барг	8,5	3,3	80,7	7,6
		Мева	7,3	3,5	81,3	
	0,4	Барг	4,3	1,2	86,7	9,1
		Мева	3,1	1,3	83,3	
Скорт 25% эм.к. (250 г/л) (дифеноконазол)	0,15	Барг	8,3	3,0	86,2	9,0
		Мева	7,4	3,2	84,3	
	0,2	Барг	4,1	1,0	90,7	10,1
		Мева	3,2	1,1	89,4	
Сапроль 20% эм.к. (200 г/л) (трифорин)	1,0	Барг	8,4	3,2	80,6	7,5
		Мева	7,5	3,4	82,2	
	1,5	Барг	4,2	1,3	85,2	9,1
		Мева	3,2	1,2	86,8	

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бойжигитов Ф.М. Основные болезни косточковых плодовых культур и разработка мер борьбы с ними. Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. с/х. н. – Ташкент, 2011. – 23 стр.
2. Ҳасанов Б., Очилов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. – Т, 2010.
3. Холмуродов Э.А., Зупаров М.А., Саттарова Р.К., Хакимова Н.Т., Нуралиев Х.Х. Қишлоқ хўжалик фитопатологияси. – Т, 2013.
4. Ходжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, 2004. – Б.83–90.
5. Saliyeva, R., Musaev, A., & Jumaeva, A. (2019). CLEARANCE OF THE EAST FRUIT BIOLOGY. *Academia Open*, 1(1).
6. Omonova, N. M. (2013). The use of fungicides against fungal diseases of tomato. *Science and world*, 54.
7. Rakhimov, M. M., Azamov, A. A., & Zokirov, I. K. (2020). The Methods Of Intellectual Struggle Against Pest And Disease In Apple Orchards. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 2(11), 24-28.
8. Азамов, А. А., & Расулов, У. Ш. (2020). ПЕРСИКОВАЯ МУЧНИСТАЯ РОСА БОЛЕЗНЬ И ПОВРЕЖДЕНИЕ. *Life Sciences and Agriculture*, (2-2)